



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељааги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 19 июль, № 152 (8214)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНияТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июль куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кўнайиб бормоқда. Экспорт-га қўйилган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узилтишлар муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40—50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навоининг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, йил бошида 80 минг гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, аҳоли учун ажратилди. Одамларга уруғ, кўчат ва ўғитдан ёрдамлаштиш бўйича “Томорқа хизмати” йўлга қўйилди. Томорқаларда маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзига 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бундай имкониятлар натижасида маҳсулот кўпайиб, нархлар тартибга тушмоқда. Сўнгги бир ойда ички бозорда помидор нархи ўртача 3 бараварга, бодиринг 10 фоизга, картошка 30 фоизга, сабзи 15 фоизга арзонлади. Бундан ташқари, 6 ойда 821 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт қилинди.

Яна бир муҳим томони, ушбу ажратилган ерларда 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди.

Йиғилишда туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчиликлар ҳам очикча муҳокама қилинди.

Жумладан, 80 минг гектар ердан 16 минг гектари аҳолидан узоқ ва суғориш қийин жойда бўлгани сабабли эгасини тоғлагани айtilди. Шу боис ҳокимларга бундай ерларни аҳоли учун қулай майдонларга алмаштириш топширилди. Давлатимиз раҳбари аҳоли таклифлари асосида янги имкониятларни белгилаб берди. Йил якунигача яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳоли учун ажратилиши таъкидланди. Шунда жами 200 минг гектар бўлади.

— Бу жуда катта имконият. Бу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароит яратилмоқда. Энг асосийси, агар туман ҳокими, ҳоким ёрдамчиси бу масалага ҳисоб-китоб билан ёндашса, озиқ-овқат ва ишсизлар масаласини бемалол ҳал қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳсулот етиштириш ва сотишда аҳолига кўмаклашиш учун маҳаллаларга ҳосилдор уруғ ва кўчат етказиш, кичик ҳажмли музлаткичлар ўрнатиш, иссиқхоналарни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда 64 та туманда аҳоли ўз томорқасида 3 марта ҳосил олмақда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60—100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа туманларда ҳам рағбатлантириш кераклигини таъкидлади.

Хусусан, сув таъминоти оғир маҳалаларда катта қудуқ қазиб харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилиши белгиланди. Кичик қудуқлар учун Қорақал-

поистонда 5 метрдан, қолган ҳудудларда 10 метрдан ортиқ чуқурликнинг ҳар бир метрига 100 минг сўмдан субсидия берилди.

Қудуқ қазिशга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул берилади. Сув тежовчи технологиялар жорий этиш бўйича бериладиган субсидиялар деҳқон хўжаликлари учун ҳам таъбиқ этилади.

Хўжаликларга ҳалал бераётган яна бир муаммо шундаки, юртимизда 2 миллион 600 мингта хонадоннинг кадастр хўжатлари йўқ. Уларнинг эгалари томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига қўллаб-муҳожаатлар тушмоқда.

Қолаверса, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 қарра миқдорда ҳисобланмоқда. Адлия вазирлигига кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди. Янги қонун қабул қилинганга қадар, бу уйларга уч қарра оширилган солиқ қўллаш тўхтатиб турилади.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳокимликларга июль ойи якунигача 820 минг гектар майдонда такрорий экинларни жойлаштириб, 11 миллион тонна маҳсулот етиштириш, келгуси йилгача етарли захира яратиш вазифаси қўйилди. Маълумки, бу йилдан галлани етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Фермерларга жозибадор нархлар таклиф этилгани ўз натижасини берди. Июлда биржага 88 минг тонна бугдой чиқарилгани ҳисобига, 1 тонна бугдойнинг ўртача нархи 30 фоизга арзонлашди.

Давлат ресурсига 1 миллион 842 минг тонна дон харид қилинди. Фермер ва кластерлар томонидан дон қорхоналарига 574 минг тонна галла сақлаш учун қўйилди.

Мутасаддиларга бу галлани биржага мунтазам чиқариб бориш ҳамда 1 октябргача фермер ва кластерлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат идораларининг самарадорлиги ва ижро масъулиятини ошириш ҳақида гапирди.

— Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди. Олдимизда ҳали энг қийин ва оғир ислохотлар турибди. Ҳамма ўзгартириш, иш услубини ҳам ўзгартириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва ҳокимликлар ўз тузилмаси ва иш услубларини ўзгартириши зарурлиги таъкидланди. Адлия вазирлигига қонунчиликни ижамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларга қулайликларни ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳисоб палатасига маблағлар сарфи, айниқса, қурилишни молиялаштириш, субсидия ва компенсация ажратиш жараёнларини рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар, маҳалла раислари ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Таълим ташкилотларида таҳсил олиш истагидаги хотин-қизлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармониға мувофиқ, **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** республи-

кадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклариға **Давлат бюджетидан маблағ ажратишининг янги тизими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Белгилансинки:

тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилдиган депозит маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини **14 фоиз ставкада** ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқш мuddати тугагандан сўнг **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида** қайтарилади;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИНТАҚАЛАРАРО ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАШАББУСИНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, 11 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Эътиборлиси, резолюция дунёнинг турли қитъаларида жойлашган 40 та мамлакат ҳаммуаллифлигида қабул қилинди.

Резолюциянинг тасдиқланиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Тошкент шаҳрида 2021 йил июль ойида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё:

минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижаси бўлди.

Халқаро эксперт доиралари вакиллари, ўз навбатида, мазкур муҳим ҳужжатнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилингани икки минтақа ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар ҳажминини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишини таъкидламоқда.

ДУНЁ

НИГОҲИ



Рамиз АЛЕКПЕРОВ, БМТнинг Афғонистондаги кўмак миссияси раҳбари:

— Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинганини кутайман. Ушбу тадбир халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсати нақадар тўғри йўлда эканининг юксак эътирофи этилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат



Мирзиёев ўз вақтида илгари сураётган сиёсий ҳамда дипломатик ташаббуслар минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Ҳужжат иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, Марказий ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг транспорт, транзит ва сармоёвий салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Резолюция Афғонистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳамда минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашувига,

шунингдек, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Мухаммад Содик ХОН, Покистон давлат ташқи ишлар вазири, Афғонистон бўйича махсус вакил:



Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюция қабул қилингани билан самимий кутайман.

Покистон, дунёнинг 40 давлати қатори, ушбу резолюцияға ҳаммуаллифлик қилди.

Эксклюзив интервью

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ЮКСАК ИШОНЧ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Шу йилнинг 21 июль куни Иссиқкўл (Қирғиз Республикаси)да Марказий Осиё давлат раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этади. Шу муносабат билан Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фукуокада ва мухтор элчиси Муса Жаманбаев икки мамлакат муносабатларининг бугунги кунга ва истиқболга юзасидан “Халқ сўзи” газетасига интервью берди.

— Ўзбекистон ва Қирғизистон нафақат шунчаки қўшни, балки том маънода, қардошлик муносабатлари билан боғланиб кетган қардош давлатлар ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларини қандай баҳолаган бўлардингиз? Соҳалардаги ҳамкорликнинг янада ривожланиши имкониятларини нималарда кўрасиз, бу борада қандай тўсиқлар бор?

— Ўзбекистон Қирғизистоннинг жудама муҳим ташқи сиёсий ва стратегик шериги ҳисобланади. Икки қардош халқни дўстлик ва яхши қўшничиликнинг кўп асрлик



ришталари, умумий тарих, маданиятлар, анъаналар, тил ва маънавий қадриятлар боғлаб туради.



Сенат қўмитасида

60 ДАН ОРТИҚ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, у илгор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган. Қонунда меҳнат мигрантларининг жўнаб кетиши, ишга жойлаштириш, ишлаш мuddати, қайтиб келиши ҳамда реинтеграция қилиниши билан боғлиқ барча жа-

раён қамраб олинган. Бу эса меъёрлар тўғрисида тўғри амалга татиб этилишида муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар томонидан қонунни такомиллаштириш билан боғлиқ 60 дан ортиқ таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

«Uzbekistan GTL» заводи

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев гоёяси ва ташаббуси билан бунёд этилган, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанси пойдеворларидан бири дейиш мумкин бўлган “Uzbekistan GTL” заводида синтетик ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди.



Юксалиш

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИ ВА МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тотув, ахил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ҳамда урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустақам ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Акс садо

Туркменистон ва Ўзбекистон тинч-ликсевар давлатлар, яхши қўшниллар сифатида ҳамisha бир-бирига нисбатан илиқ муносабатда бўлиб келади. Буни уларнинг халқаро майдонда ёки ўзаро алоқаларда ҳаммаслақ ҳамда ҳамфикр эканликларида ҳам кўриш мумкин. Минтакавий хавфсизликни мустақамлаш ушбу ҳамкорликда алоҳида ўрин тутати. Зеро, икки давлат ҳам Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишининг самарали

механизмларини яратиш тарафдори. Уларнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ақдил фикрга эгалиги бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келиши ана шу дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Учрашувда Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигининг истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдони кўпайтириш ҳамда саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосийси, Туркменистон Президентининг ташрифи икки халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари ҳамда икки томонлама муносабатларни мустақамлашга йўналтирилган сай-ҳаракатлар бардавом эканлигини кўрсатди. — Ишончим комил, бугунги музокара-лар кенг кўламли ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутати, биродар мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустақамлайди ва сифат жиҳатидан янги

даражага олиб чиқади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Томонлар минтақа мамлакатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, юкларни ташиш учун ўзаро имтиёз ҳамда чегирмалар бериш каби масалалар юзасидан келишиб олди. Президентлар сув-энергетика соҳасидаги шерикликка тўхталар экан, Сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия муваффақиятли фаолият олиб бораётганини эътироф этдилар. Айни чоғда бугун минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга Амударё бўйича битимнинг

имзолалиши бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда катта роль ўйнаши таъкидланди. Шу ўринда айтиш жоиз, Ўзбекистон энергетика соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш, жумладан, Туркменистондан электр энергияси, газ ва нефть маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор. Туркменистон томони товар айирбошлашни диверсификациялаш ва ошириш, саноат кооперациясини ривожлантиришдан фойда кўради. Шу боис ҳам мазкур масалалар атрофича таҳлилдан ўтказилди. Умуман, Туркменистон Президентининг ушбу ташрифини ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари қўйилган янги қадам десак, айни ҳақиқат. Зеро, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш икки томон учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Абдугани САНИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озик-овқат саноати ҳамда қишлоқ ҳўжалигига ўзаро манфаатли шериклиқни кенгайтиришга келишиб олинди. Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Шунинг мамнуият билан эътироф этиш жоизки, ҳар икки давлат раҳбарлари кенг кўламли стратегик шериклиқни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш, дўст ва биродар

Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Жараён

Ҳуқуқий янгиланишлар жамоатчилик фикрлари асосида амалга оширилади

Аввал хабар берилганидек, сенаторлар бир неча кун давомида жойларда бўлиб, конституциявий ислохотлар ҳамда Олий Мажлис Сенатининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борди. Айни чоғда аҳоли мувожадатлари ўрганилиб, уларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси Э. Гадовев Жондор туманидаги 2-касб-хўнар мактабида ташкил этилган учрашувда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасига батафсил тўхталди. Хусусан, лойиҳага киритилаётган мулк дахлсизлиги ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятига доир нормалар моҳиятини тегиз қилди берди. Шунингдек, сенатор парламент юқори палатасининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида қўриб чиқилган қонунлар, бюджет билан боғлиқ ҳисоботлар, парламент сўрови натижалари ҳусусида тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якуни бўйича ва 2022 йил биринчи чорагидagi иқроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботлари юзасидан батафсил ахборот берди.

Сенатор ўз сўзида жа-зони суднинг ҳўжмага кўра ўташ тартибидан бошқача тартибдаги мажбурий меҳнат ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳўрлардаги мажбурий меҳнат таққиланаётганига ҳам урғу берди. Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупция-га қарши курашиш кўми-таси раиси Н. Умаров пойтахтимизнинг Мирзо Улўбек туманида бўлиб, Конституциявий қонун лойиҳасининг аҳамиятини тушунтиришга бағишлан-ган учрашувда қатнашди.

Унда туман ҳокимлиги мутасаддилари, халқ депу-татлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, ёшлар, жамоатчилик ва-киллари фаол иштирок этиб, юртимизда кечаёт-ган ўзгаришлар юзасидан ўз фикрларини билдирди. Сенатор Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга тўхталаркан, олиб борилаётган ислохотлар фуқаролари-мизнинг манфаатидан кели-либ чиққан ҳолда кенг жа-моатчилик фикри ва қўлаб-қувватлови асоси-да амалга оширилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида пар-ламент юқори палатаси-нинг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида маъкул-ланган қонунлар ҳамда қўриб чиқилган масалалар, Сенат Кенгаши ва кўми-талари қарорлари иқроси-нинг ахволи ҳам таҳлил-дан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ ҲАЁТИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Давлат ва жамият тирик организм кабидир. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, одамлар онгининг ривожланиши, инсон ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши, давлатларнинг ислохотлар ўтказиши конституцияларга ўзгаришлар киритиши тақозо этади. Конституцияда давлат ва жамиятнинг асосий йўналишлари, унинг келгуси тараққиётининг қайси йўллар орқали амалга оширилиши белгилаб берилади.

Бугун конституциявий ривожланишнинг умумжа-хон тенденцияларига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда мамлакат ва жамият тарақ-қётининг янги босқичида конституциявий ислохотлар олиб борилган. Зеро, ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан Конституция асосида яратилган ҳуқуқий имкониятлар билан бе-восита боғлиқ.

Мутахассислар маълумотларига қараганда, сўнгги 20 йил ичида 90 та мамлакат конституция-вий ислохотлар ўтказган. Хатто 57 та давлат мут-лако янги Конституция қабул қилган. Ўзбекистон-да эса кейинги йилларда ҳамма соҳалар қизгин янгиланмоқда. Энди аввалгидек, “Давлат — жам-ият — инсон” деб эмас, “Инсон — жамият — дав-лат” тамойили асосида иш юритилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан конституциявий ислохотларни тақозо этади.

Бугун мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён-лар кечмоқда. Бу ҳар биримиз учун аҳамиятли бўлиб, мамлакатимизнинг келажаги, халқимизнинг фаровонлигида катта роль ўйнайди. Жорий йил-нинг 25 июнь кунидан бошлаб “Ўзбекистон Рес-публикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституция-вий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйил-ган эди. Таъкидлаш жоизки, бутун халқимиз яқ-диллик билан ушбу жараёнда фаол иштирок эт-моқда. Ҳозирги вақтда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бўйича жами 87 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди.

Жумладан, Конституциянинг асосий принцип-лари келтирилган биринчи бўлими бўйича фуқаро-лар томонидан 943 та таклиф берилган. Масалан, Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи Я. Турдимов 13-модданинг учинчи ҳамда тўртин-чи қисмларини чиқариб юбориш ёки содда ва тушунарли баён этиш кераклигини билдирган.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ёритилган иккинчи бўлим бўйича 2,5 мингдан зиёд таклифлар берилган. Масалан, Навоий вилоятида истиқомат қилувчи Ш. Тўхтаев 41-моддада таълим олиш жараёнида ота-оналар-нинг мажбуриятларини белгилаш зарурлигини бил-дирган. Ёки Бухоро вилоятида яшовчи С. Сафаров томонидан қонун лойиҳасига ногиронлиги борлар учун алоҳида янги боб киритилишини керак, деган таклиф айтилган.

Жамият ва шахсга доир бўлган учинчи бўлим бўйича 598 та таклиф берилган. Масалан, Тош-кент вилоятида истиқомат қилувчи З. Абдуллаев томонидан қонун лойиҳасига қонуний ахрим бўлма-ган оилаларнинг алиментга доир талаблари суд-лар томонидан қўриб чиқилмаслиги юзасидан модда қўйиш таклиф этилган. Ва бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, таклифлар келиши давом эт-моқда. Бу аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онги тобора юксалиб, уларда фуқаролик позицияси мустақамлашиб бораётгани, юрт келажаги ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаёт-ганидан далолатдир. Фуқаролар томонидан берил-ган фикр-мулоҳазаларнинг кўпчилиги эса уни ама-лиётда тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини оши-ради ва демократик тараққиётимизнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммад ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Нуктаи назар

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ КАФОЛАТЛАНИШINI ТАЪМИНЛАЙДИ

Бугун муҳим сиёсий жараён — “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юртимизнинг барча ҳудуди, жамиятнинг барча доирасида муҳокама этилаётган, аҳолининг фаоллиги ортиб бораётган тарихий бир даврда яшамокдамиз.

Айни дамда умумхалқ муҳока-масида бўлган Конституциявий қонун лойиҳасида ижтимоий маса-лалар, жумладан, меҳнат муноса-батларига оид қатор нормалар акс этаётгани эътиборга молиқдир. Масалан, 39-моддани олайлик. Ушбу моддада ҳар бир шахс қари-ганда, меҳнатга лаёқатини йўқот-ганда, ишсизликда, ногиронликда, шунингдек, боқувчисидан махрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳўрларда ижти-моий таъминот олиш ҳўжўига эга-лиги, давлат пенсияларини, на-фақаларини ва ижтимоий ёрдам-нинг бошқа турларини белгила-ши мустақамлаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, давлат ноги-ронлиги бўлган шахсларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун зарур тенг шароитларни яра-тди, ногиронлиги бўлган шахслар-га нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, ҳисобга олмаслик, чет-латиш, чеклаш ёки ортиқча ён бо-сиш, ногиронлиги бўлган шахслар-нинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар бўлганда, деб белгиланмоқда.

Албатта, қонун лойиҳасида ушбу нормаларнинг акс этиши айни муд-дао бўлиб, буни кўпчилик қўллаб, қувватлайди. Зеро, бу мамлака-ти-мизнинг бир миллионга яқин

аҳолисининг манфаатларини қам-раб олади. Улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, ногирон-лиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш ҳўлати-га йўл қўймаслик талаб этилади. Уларни ҳисобга олмаслик, четла-тиш, чеклаш ёки ортиқча ён боши-ш қонунан таққиланади.

Яна бир муҳим жиҳати, ноги-ронлиги бўлган шахсларнинг ҳўқуқ объектлар ва хизматлардан фой-даланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаши мумкин эмас. Бу масалаларнинг барчаси шу кўнга қадар Конституцияда бўлмаган ва илк марта тилга оли-наётган меъёрлар саналади.

Тўғри, шу кўнга қадар ҳам ноги-ронлиги бўлган шахсларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилган. Бундан бўён эса ушбу чора-тад-бирлар Конституцияга даражаида белгилаб қўйилмоқда. Қалаверса, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган бо-ларлар учун таълим муассасала-

рида инклюзив таълим ташкил эти-лиши ҳам мустақамланаяпти.

Ушбу меъёрларнинг барчаси юртимизда инсон қадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахс-лар масаласи доимий диққат-эъти-борда эканидан далолат беради. Уларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳўмия қилиш, тўқсизсиз муҳит яратиш, жамиятга интеграция қилиш борасида изчил чора-тад-бирларни янада қучайтиришда бош омил бўлиб хизмат қилади. Янада аниқроқ айтганда, Бош қомуси-мизга киритилаётган янги меъёр билан ногиронлиги бўлган шахс-ларни давлат томонидан ижтимоий-ҳўқуқий ҳўмия тизими сифат жи-ҳатидан янги босқичга олиб чиқи-ларди, жамиятда ҳамманинг тенглиги, ижтимоий адолат кафо-латланишини таъминлайди.

Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«Uzbekistan GTL» заводи

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШЛАДИ

1. Мазкур тарихий воқеа мамлакатимизнинг замонавий нефть-кимё ва нефть-газига қайта ишлаш саноати ривожига янги технологиялар босқич ҳисобланади. 2022 йилнинг 29 июни санаси Ўзбекистонда илк бор синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган тарихий кун сифатида солномага қиради.

Юртимизда ва умуман, минтақамизда нефть-газ саноати соҳасидаги энг йирик корхона ҳисобланган “Uzbekistan GTL” заводида биринчи маҳсулот олинганлиги билан барча юрдошларимиз-ни қизгин муборакбод этаман.

Бугунги кунда ишга тушириш ишлари, шу жумладан, 11 мингга яқин уску-на ва асосий ишлаб чиқариш қурилма-ларининг синхрон ишлашини таъминлаш, шунингдек, уларни тўлиқ назорат қилиш ҳамда бошқариш “Uzbekistan GTL” за-водининг маҳаллий муҳандислари ва ёш мутахассислари томонидан мустақил равишда, хорижий мутахассисларнинг ишлориксиз амалга оширилаётгани ҳар

бир ўзбекистонликнинг кўксига гурур туйғулариини уйғотди.

Эришилган келишувларга кўра 5 минг тонна микдориди ишлаб чиқарилган синтетик дизель ёнилғисининг биринчи партияси Навоий кон-метал-лургия комбинатида юборилди. Қола-верса, заводимизда йилга 3,6 млрд. метр куб табиий газ қайта ишланиб, 1,5 млн. тон-на тайёр суюқ маҳсулотлар — 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёнилғи-си, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланади.

Янги ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган синтетик ди-зель ёнилғисига “Нефть база” МҲЖ таъсисчилари, “OIZILQUMSEMENT” АЖ, кластерлар ва бошқа йирик истеъмолчилар томонидан қизиқиш билдирилаётгани туфайли бир қатор йирик



ни сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнлари ҳақида атрофлича ахборот берилди. Келгусида республика истеъмолчилари эҳтиёжининг 50 фоизига-ча бўлган улуши “Uzbekistan GTL” за-водида ишлаб чиқариладиган юқори сифатли синтетик дизель ёнилғиси билан қопланиши таъкидлаб ўтилди.

Алоҳида айтиш жоизки, жорий йил-нинг 1 июлида синтетик дизель ёнилғи-сига “SGS” компанияси (Швейцария) то-монидан Европанинг “EN15940” синте-



тик парафинли дизель ёнилғиси халқаро стандартига ва “O’zDSt EN 15940:2022 Евро-6” синтетик дизель ёнилғиси дав-лат стандартига мувофиқлигини тасдиқ-ловчи ижобий ҳулосалар олинган.

Эндиликда биз маҳсулотни респу-блика истеъмолчиларига бир маромда етказиб беришда ҳар бир ишлаб чиқа-риш объекти томонидан амалга ошири-лиши лозим бўлган тадбирларни бел-гилаб олдиқ. Хусусан, жорий йилнинг июль ойи учун бирга савдоларига қўйи-ладиган дизель ёнилғиси ҳажмлари истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмок-ди. Шу ойда жами 13,2 минг тонна маҳ-сулот биржа савдоларига жойлаштири-лиши ва маҳсулотнинг ҳозирги кўндаги бошланғич нархи нисбатан арзонлиги харидорлар томонидан эътироф этилди.

Дастлабки 10 тонна синтетик дизель ёнилғиси Навоий кон-металлургия ком-бинатида жўнатилган. Яқин вақт ичида НКМК эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Рес-публикаси товар-ҳомашё биржаси савдо платформалари орқали яна 5 минг тонна маҳсулот етказиб бериш кўзда тутилган.

GTL дизель ёнилғиси юқори техник қўрсаткичларга эга ва таркибиди олтин-гугурт микдори деярли нолга тенг бўлган, атмосферага жуда кам микдор-

да ифлослантирувчи моддаларни чиқар-увчи маҳсулотдир. Уни дизель двига-телларида соф ҳолда ёки аралаштириш учун ҳомашё сифатида қўллаш мумкин. Бу янги маҳсулот анъанавий дизель ёнилғисига қараганда, ифлослантирувчи моддаларни 70 фоизгача кам чиқаради, унинг тоза ва тўлиқ ёниши эса двига-телда қўйилларига қамайтиришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, техника-нинг ишлаш муддатини узайтиради ва унга техник хизмат кўрсатиш харажатла-рини сезиларли даражада қамайтиради.

Яна бир муҳим фикр шундан иборат-ки, “премиум-класс” тоифасидаги син-тетик дизель ёнилғиси Ўзбекистон Рес-публикаси товар-ҳомашё биржасининг савдо платформалари орқали сотилади. Заводимизнинг қуввати эса йилга 1 миллион тоннагача ёнилғи ишлаб чиқариш имконини беради. Зотан, GTL дизель ёнилғиси “Euro-6” (EN15940) Европа экологик стандарти ва “O’zDSt EN 15940:2022” миллий стандартининг юқори талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу эса экологик тоза келажақ маҳсулоти сифатида ўзини намён этмоқда.

Фохриддин АБДУРАСУЛОВ, «Uzbekistan GTL» заводи бош директори.

ШҲТ янги руҳ билан бойиб бормоқда

➡ Ўзбекистон сўнгги пайтларда ШҲТнинг улкан салоҳиятини транспорт, ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновацион ва рақамли ривожланиш, маданий ва халқ дипломатияси каби муҳим соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини очик айтмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги ўзбек дипломатияси зиммасига катта масъулият юклайдиган жиддий сиёсий жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, раислик Ўзбекистонга нафақат ташкилот доирасида ўсиш стратегиясини давом эттириш, балки уни аник натижалар берадиган янги ва муҳим қирралар билан бойитиш имконини бераётганини инкор этиб бўлмайди.

Айтиш керакики, ШҲТ моҳияти ва аҳамиятини очиб берадиган иккита асосий жиҳат бор. Биринчиси, бу — хавфсизлик. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ушбу тузилмани ташкил этиш учун дастлабки туртки бўлган. Мазкур йўналишда ШҲТ доирасида ҳамкорлик қилиш чегаралар хавфсизлиги соҳасидаги ўзаро сазй-ҳаракатлардан бошланади, террористик, экстремистик, сепаратчи кучлар ва гиёҳвандлик бўйича жиноятчиликка қарши курашга қаратилган ҳамда хавфсизлигининг турли ноанъанавий таҳдидларига нисбатан ҳам қўлланади.

Сўнгги 20 йил мобайнида минтақада тинчлик ва барқарорлик сакланиб келаётгани, хавфсизлик омиллдан ажралмас ҳисобланган тараққиётнинг давом этаёт-

ноаниқлик ҳолати сезиларли даражада ортди. Инсоният хавфсизлик, иқтисодий ва молия, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим соҳалардаги қатор жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро ҳамжамият бирлашмоғи зарур, давлатлар геосийсий зиддиятга киришмасдан, бир томонламалик ва протекционизм иллатларини намоен қилмаган ҳолда, ҳамкорликда иш олиб бориши даркор. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бутун инсоният учун умумий хавфхатар ва таҳдидларга қарши курашда конструктив роль ўйнашга интилиб келган ва шундай бўлиб қолади. У ҳарбий иттифоқ эмас, унинг "ген"ларида конфронтация элементлари йўқ.

Ташкилот бошқа давлатлар ва минтақаларга қўшилмаслик, уларга қарши ҳаракат қилмаслик тамойилларига риоя этади, халқаро ва минтақавий муаммоларни тинч сиёсий-дипломатик музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдоридир. ШҲТга аъзо давлатлар ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақадаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, ташкилотда иштирок этаётган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига ҳамкорлик қилиш йўли билан кўмаклашишга интилади. Мана шу тамойиллар "Шанхай руҳи" негизини ташкил этади.

Бугунги кунда ШҲТ шериклик қилмаган ёки алмашувларни амалга оширмаган соҳани топиш мушуқ. Ташкилот доирасидаги ўзаро ҳаракатлар сиёсат, иқтисодиёт, инвестициялар, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар, экология, таълим ва бошқа йўналишларни қамраб олган. Бунда уларнинг ҳаммаси ташкилотга аъзо давлатлар учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Қўллаб-ноанъанавий соҳалар, масалан, "яшил энергетика", инновациялар ва рақамли иқтисодиёт каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш тез фурсатларда давлатлар учун умумий манфаатларни излаб топишда ШҲТ янги истиқболларини

очиб берувчи "йўлчи юлдуз"га айланиб улгурди.

COVID-19 пандемияси бошланган дастлабки кунларданок ШҲТ минтақа давлатларига ҳамжихатликда ушбу таҳдиддан қутулишда ёрдам бериб, пандемиянинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф қилиш бўйича аъзо давлатларнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик чора-тадбирлари режасини қабул қилди. Ташкилот, қолaversа, савдо-иқтисодий алоқалар учун мустаҳкам пойдевор яратди. Транспорт, энергетика, молия, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, инновациялар ва барқарор ривожланиш каби ўзаро манфаатларни акс эттирувчи соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш кейинги қадам бўлади.

Ўзбекистон ШҲТнинг амалдаги раиси сифатида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Биринчи навбатда, Ўзбекистон ШҲТ таъсисчи-давлати сифатида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётганини қайд этиш



жоиз. Шубҳасиз, ШҲТга аъзо давлатларнинг очик ва конструктив мулоқоти учун самарали майдонни ўзига акс эттириб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳаларда шериклиқни рағбатлантиришда ҳамкорликнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кузатувчилар фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат ШҲТ доирасида турли соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашмоқда, балки бошқа аъзо давлатлар томонидан илгари сурилмаган, умумий манфаатларга жавоб берадиган долзарб тақлифларни амалга оширишда амалий ёрдам бермоқда. Бошқача айтганда, Тошкент ШҲТнинг пойдевори ҳисобланган "Шанхай руҳи"га мувофиқ равишда бирдамлик тамойиллари бажарилишга фаол кўмак бериб келмоқда.

"Бизнинг ҳар биримиз кучли бўлсакки-на, ШҲТ кучли бўлади". Ўзбекистон Президентининг 2020 йили ШҲТ саммитида айтган бу сўзлари мамлакатнинг ташкилот доирасидаги ишларга конструктив ёндашувининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берган. Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитларида 50 га яқин ўта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар, хусусан, ШҲТ халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг дунё микёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий, саноат кооперацияси, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқликни чўқурлаштириш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Эътиборли жиҳати шуки, бу ташаббусларнинг барчаси кейинчалик аник "йўл хариталари", меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатларда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ШҲТнинг асосий вазифаларига тўлиқ мос келади. Айнан шунинг учун улар ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон ШҲТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббускорга айланди. Ташкилотнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Темир йўл мамуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновация ва рақамли тараққиёт, маданий ва

"халқ дипломатияси" каби муҳим йўналишлардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришда ШҲТнинг улкан салоҳиятига мос ёндашувлари алоҳида эътиборга молик. 2021 йилда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг ШҲТдаги раислиги даврида қатор янги ҳуқуқий, концептуал ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини маълум қилди. Хусусан, ташкилот доирасида кўп томонлама шериклиқни янада кенгайтириш мақсадида ҳозирги вақтда ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастур, шунингдек, минтақа ичида савдонинг ривожлантириш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

ШҲТнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепциясини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича жараён аяқунланмоқда. ШҲТ ҳудудида инфратузилмавий ривожланиш дастури, шунингдек, юкюли касалликларнинг олдини олиш, теле-тиббёт, қайта тикланувчан энергия манбаларидадан фойдаланиш, музей иши ва шу каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича қатор дастур ва қелишувлар қабул қилиниши режалаштирилган. Улар Ўзбекистоннинг ШҲТ тартибини янгиллаш, унинг фаолиятини янги таҳдидлар ва ўзгараётган вазиятларга мувофиқлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўлилади.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида барча соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантириш билан боғлиқ кенг микёсдаги масалаларни ўрганиш учун турли даражадаги 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. ШҲТга аъзо давлатлар томонидан уларнинг таҳминан ярми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистоннинг истиқболли ва долзарб масалалар бўйича аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатни кенгайтиришга қаратилган иккита муҳим тақлифи амалга оширилди.

2021 йилнинг ноябрь ойида илк бор ташкилот доирасида Ўзбекистон раислиги остида ахборот коммуникациялари бўйича, жорий йилнинг январь ойида камбағалликни қисқартиришга қаратилган вазириликлар даражасидаги учрашувлар ўтказилди. Апрель-май ойларида Тошкентда илм-фан ва техника, транспорт вазирилари, гиёҳвандликка қарши кураш муассасалари раҳбарларининг учрашувлари, шунингдек, Халқ дипломатияси форуми ўтказилди. Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий йўналишидаги долзарб ташаббусларидан бири ШҲТга аъзо давлатлар ва хорижлик инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш имконини берувчи "Ўзбекистон — ШҲТ" саноат зонасининг ташкил этилиши бўлди. Бу йил ўтказилиши кўзда тутилган йирик тадбирлар — Иқтисодиёт форуми, Саноат аниқликлари ҳафталиги, ШҲТ ҳудудлари кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича форум,

Ташкилот ўз ҳарбий ва сиёсий салоҳияти, молиявий-иқтисодий қудрати ва ижтимоий-маданий аънавалари билан бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган давлатларни барқарор ҳамда кучли бирлаштириш нуктаи назаридан ноёб тузилма намунаси эканини намоен этди. Шу билан бирга, ташкилот ўз қобилига ўрналиш томон эмас, балки очилиқ сари интилаётгани, бошқа мамлакатларга ҳам БМТ Низомига, умуман, халқаро ҳуқуққа зид бўлмаган ўз тамойиллари ва қадриятлари асосидаги худди шундай очилиқ тизимини тақлиф этгани ҳолда ривожланаётгани дунёда унга бўлган ишончнинг ошиши қафолатидир.

Муҳиддин ПҲЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Муносабат

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН...

Давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда "Инсон қадри учун" гоясини ҳамда ҳозирги ислохотлар бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашуви Асосий Қонунимиз мазмунига чўқур сингдириб, амалий ҳаётда бош қадриятга айланатириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Албатта, қайд этилган ушбу эзгу ёндашуви, пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттириши даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хусусан, Конституциямизнинг 37-моддасига меҳнат ҳуқуқига доир бир қанча янги нормалар қўшилиётгани ҳам юқоридаги гоянинг ҳаётимиздаги ёрқин ифодасидир.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизга "Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда қўрсатилган бошқа ҳолатлардан ташқари мажбурий меҳнат таққиланади" деган, жумладан, кейинги мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидадан фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади, деган норманинг қиритилишини қўллаб-қувватлайман.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Асосий Қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шaroитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечирishi учун етарли миқдорда бўлишини белгиллаш тақлиф этди. Бу гоятда ҳаётини қўлини тақлиф.

Меҳнат ҳуқуқига доир қиритилаётган барча норма мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг мустаҳкам асоси ва амалдаги тизимнинг ёрқин самарасидир.

Янги Ўзбекистон — янги тараққиёт, ривожланиш сари юз бурди. Юртимизда янги ҳақ руҳ ва ишчанлик қайфияти билан олиб борилаётган ислохотлар изчиллиги бутун мамлакатни, халқни янги марралар сари элтishi, шубҳасиз. Бугун ҳар бир соҳа ҳамда йўналишда катта ва долзарб мақсадлар белгилаб олиниб, юқори поғоналар сари олға қадам ташланаётди.

Ҳар бир инсон ўз мамлакатида тинч-осойишта, хотиржам ва тўқис ҳаёт кечирishi истади. У қачон хотиржам ҳамда фаровон ашайди? Ҳуққо сифатида ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланса, инсон сифатида қадр-қимматли бўлса, ўшандагина ҳаловатда умргузаронлик қилади. Бемалол, беҳавотир ишлашга, ҳаётини яхшилашга интилади.

Конституциявий ислохотларнинг муҳим мақсадларидан бири ҳам инсоннинг муносиб ҳаёт шaroитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, пировардида аҳолини фаровонлик йўлига олиб чиқишдан иборатдир.

Конституциявий қафолат бўлса, ушбу ишлар тизими ва мунтазам амалга оширилади, ортга қайтмайдиган жараён бўлиб мустаҳкамланади.

Азиза ИРМАТОВА,
ТДИУ доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.

ЭЪЛОН

МАҲАЛЛАДА «САЛОМАТИЯТ ШАҲАРИ» МАКТАБИ

Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган "Саломатлик мактаби"да аҳоли ўртасидаги юрак-қон томир ва эндокрин касалликларнинг олдини олиш ҳамда тўғри овқатланиш орқали саломатликни муҳофаза қилиш бўйича ўқув-амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Фамхўрлик

— Саломатлик машғулотларига маҳалланинг 2 минг нафарга яқин, 18 — 20 дан 65 — 70 ёшга бўлган фуқаролари қатнашаётди, — дейди Ўзбекистон "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонднинг Қашқадарё вилояти ҳудудий муассасаси раҳбари Қаноат Азизов. — Муассасамиз Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблаг ҳисобидан мазкур маҳаллада аҳоли орасида соғлом турмушни қарор топтириш бўйича қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, "Эъозли аёллар" гуруҳи ташкил қилинди. Гуруҳга жалб этилган аёллар билан тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик асослари, кун тартибини ташкиллаштириш, кексаларда овқатланиш меъ-

ёрлари, шахсий ва хонадон гигиенаси қоидалари каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилди. Эътиборлики, грант лойиҳаси доирасида маҳаллада душанба — стрессга қарши кураш, сешанба — туз ва шакарни келаш, чоршанба — тамакига қарши курашиш, пайшанба — соғлом овқатланиш, жума — пиёда юриш ва шанба — саломатлик кунли сифатида номланиб, кун мавзусига мос тарзда турли мусобақалар, гимнастика машқлари, "Соғлом ҳаёт учун 5 000 қадам" сингари тадбирлар ўтказилляпти. Айни чоғда аҳоли ўртасида инфаркт, инсульт, қандли диабет, гипертония каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида буклет ҳамда тарқатма материаллар тақдим этилмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетанин ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмоилов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.35 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6